

Қирғизистон мусулмонларига Рамазон ойида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда



19:30 / 27.04.2021 2060

Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда очилган ва мамлакатдаги энг катта масжиди сифатида танилган «Имом Серахсий»нинг марказий масжиди ҳовлисида Рамазон ойида муҳтожларга озиқ-овқат тарқатилди.

Акция Туркия мусулмонлари томонидан Президент Ражаб Тоййиб Эрдўған иштирокида ташкил этилди.

Маълумотларига кўра, Қирғизистон президенти маслаҳатчиси Букуев журналистларга берган интервьюсида турк халқига муҳтожларга инсонпарварлик ёрдами билан жўнатмалар етказиб бераётгани учун миннатдор эканини билдирган.

Бишкекдаги элчихонанинг дин ишлари бўйича маслаҳатчиси Мурсель Ўзтурк Anadolu агентлигига берган интервьюсида муборак Рамазон ойи меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва қардошлик ойи эканини таъкидлади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи